

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАНК ВА
МОЛИЯ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ”

МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

10 ИЮНЬ 2022 ЙИЛ



ТОШКЕНТ- 2022

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БАНК ИШИ КАФЕДРАСИ

УЎК: 336.7(575.1)

КБК: 65.26(50')

Тақризчилар: **и.ф.д., проф. Ш.З.Абдуллаева,**
и.ф.н., доц. И.Х.Рахманов

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-Ғ-сонли фармойишининг ижросини таъминлаш бўйича **“Глобаллашув шароитида банк ва молия тизими барқарорлигини таъминлаш масалалари”** мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами—Т.: ТМИ., 2022. —854 б.

и.ф.д., проф. Т.З.Тешабаевнинг умумий раҳбарлиги остида

Таҳрир хайъати аъзолари: проф.С.Мехмонов, А.Исламқулов, проф.А.Омонов, доц.У.Абдуллаев, доц.Ф.Холмаматов, доц. И.Жўраев, PhD Х.Тиллаев, А.Рахматов, Б.Максудов.

Мазкур илмий маъруза тезислари тўпламида мамлакатимиз ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар, тажрибали амалиётчилар, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг етакчи илмий ходимлари, таянч докторант ва мустақил изланувчи ҳамда магистрларнинг илмий тадқиқот иши натижалари мужассамлашган.

Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир хайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар, фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.

УЎК: 336.7(575.1)

КБК: 65.26(50')



бугунги кунга қадар 5,1 фоизга мустаҳкамланди. Натижада, сўмнинг йил бошидан қадрсизланиши 1,6 фоизни ташкил қилди.

Жорий йил май ойи якунлари бўйича сўмнинг реал алмашув курси ўзининг узоқ муддатли трендига яқинлашди, яъни 2019 йил сентябрь ойидаги даражага нисбатан мустаҳкамланиш 2 фоизни қайд этди ва ташқи рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатмайдиган динамика ҳосил қилмоқда.

Айни пайтда, олтин валюта захираларининг “нейтраллик тамойили” бўйича Марказий банк томонидан ички валюта бозорига жорий йилнинг апрель-май ойларида, сўм алмашув курсининг қисқа муддатда кескин мустаҳкамланиб кетишини олдини олиш мақсадида бозордан 523 млн долларлик валюта маблағлари сотиб олинди.

Умуман олганда, йил бошидан “нейтраллик тамойили” бўйича ички валюта бозорига интервенция қилинмаган миқдор қарийб 1 млрд. долларни ташкил этади ва келгусида алмашув курсининг барқарорлигини таъминлашга қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ АМАЛИЁТА ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛЛАРИ

**ТМИ мустақил тадқиқотчиси
О.Ф.Мирзаев**

Ривожланган мамлакатлар ҳисобланган АҚШ, Германия, Буюк Британия ва айрим ривожланаётган мамлакатларда тузилаётган шартномаларда белгилаб қўйиладиган “5/10 тўлиқ 30”, “2/15 тўлиқ 30” каби схемаларни таъкидлаш мумкин. Ушбу схемадаги кўринишлар қуйидагиларни англатади:

- агар буюртмачи ёки сотиб олувчи белгиланган товарларни олгандан ёки унга хизматлар кўрсатилгандан сўнг шартномада келишилган тўлов суммаларни 10 кун ичида тўласа умумий суммадан 5 фоизгача, 20 кун ичида тўласа 2 фоизгача чегирмалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;
- агар буюртмачи ёки сотиб олувчи товарларни олгандан ва хизматлар кўрсатилганидан кейин шартномадаги тўлов суммасини 16 кундан сўнг кейин тўлайдиган бўлса тўловни тўлиқ тўлаши зарур бўлади;
- шартномадаги тўлов суммасини бир ой ўтгандан сўнг тўлайдиган бўлса қўшимча фоизлар билан тўланиши белгилаб қўйилган.

Амалга оширилган ўрганишлар ва тадқиқотлар жараёнида мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектларида, айниқса электр-энергия таъминоти хизмати корхоналарида тузилган шартномаларда мазкур масалалар эътиборга олинмаганлигининг гувоҳи бўлдик.



Кредитор қарздорлик асосан товар моддий қимматликлар ёки хизматларнинг кечиктирилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараён бўлиб, бунда сотиб олувчи товар моддий қимматликлар ёки хизматлар учун тўловни амалга оширган бўлишига қарамасдан, сотувчи томонидан уларнинг кечиктирилиши натижасида пайдо бўлади.

Дебитор қарздорликнинг ижобий ёки салбий эканлиги, яъни муддати ўтган ёки муддати ўтмаган дебиторлик қарздорликнинг таснифи мамлакатда қабул қилинган тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланади, унинг муддати ўтган ёки ўтмаганлиги томонлар ўртасида тузилган шартномада тўлов шакли ва тартибида келтирилган шартларнинг бажарилмаслиги натижасида вужудга келади.

Демак, амалга оширилган тадқиқот натижаларига таяниб таъкидлаш мумкинки, иқтисодиётнинг ҳар қандай хўжалик юритиш шаклида дебитор ва кредитор қарздорликни инкор этиб бўлмайди, чунки унинг мавжудлиги бевосита товар-пул муносабатларининг мавжудлиги билан боғлиқдир.

Албатта, бу корхоналар молиявий ҳисоботлари таркибида дебитор ва кредиторлик қарздорлиги суммасини чекланмаган ҳажмда мавжуд бўлиши мумкин деган фикрни келтириб чиқармаслиги лозим. Бироқ, бозор муносабатлари турли даражадаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий рисклардан ҳоли эмаслиги унинг иштирокчиларини молиявий натижаларида дебитор ва кредитор қарздорлик суммаларини табиий жиҳатдан нормал ҳисобланган меъёрлардан ошиб кетишига олиб келмоқда. Бу ўз-ўзидан мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг дебитор ва кредитор қарздорликларини бошқариш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Корхонларнинг дебитор ва кредитор қарздорлигини бошқариш деганда асосий эътибор уларнинг муддати ўтган дебитор ва кредитор қарзларини ундириш, корхонанинг актив ва пассив, айланма ва аванс маблағлари таркибида дебитор ва кредитор қарзларининг улуши, дебитор ва кредитор қарзларнинг диверсификацияси, дебитор ва кредитор қарзларни корхона даромадлари ва фойдасига нисбати ва бошқа шу каби иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратилади.

Халқаро савдода иштирок этишда халқаро миқёсида сертификатларга эга бўлиши талаб этилади, бироқ ушбу сертификатларни олиш учун қатор талабларни бажариш зарур. Бизнинг назаримизда, бу борада тегишли консультатив марказлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, мамлакатимиз корхоналарида вужудга келаётган қарздорликларнинг асосий тенеденциялари ҳисобланиб, улар юзасидан тегишли қарорларни қабул қилинмаслиги қатор муаммоли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Бизнинг назаримизда, малакатимиз электр-энергия таъминоти хизмати корхоналари буюртмачи ва истеъмолчилар билан шартномаларни тузишда “5/10 тўлиқ 30”, “2/15 тўлиқ 30” каби схемаларни эътиборга олиши дебиторлик қарзларни камайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, электр-



энергиясини истеъмол қилувчи жисмоний шахсларга тўловларни амалга ошириш бўйича қуйидаги тартибдаги тўлов шакллари жорий этиш мавжуд қарздорлик муаммоларни модернизациялашга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, фойдаланадиган электр-энергияси учун тўловларни олдиндан амалга оширадиган истеъмолчи жисмоний шахсларга тўлаган суммага нисбатан тегишли чегирмалар жорий этиш. Хусусан, “2/50к/Вт”, “5/100к/Вт” ва “10/500к/Вт” тартибдаги схемани жорий этиш, яъни 50к/Вт.га олдиндан тўланса 2 фоиз миқдорида чегирма, 100к/Вт.га олдиндан тўланса 5 фоиз миқдорида чегирма ва 500к/Вт.га олдиндан тўланса 10 фоиз миқдорида чегирмаларни қўлланилиши ижобий самара беради деган фикрдамиз.

Хорижий амалиётда дебиторлик қарзларни ундиришда уларга расмий хат жўнатиш, телефон қўнғироқлари, бевосита қарздор корхонанинг масъул ходимлари билан учрашиш, қарз суммаларни дисконт асосида махсус агентликларга сотиш каби усуллар ўзининг ижобий самарасини берган.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатувчи корхоналар таркибига кирувчи электр-энергияси таъминоти билан шуғулланувчи корхоналарнинг хорижий мамлакатлар мисолида кўрилган натижаларга таяниб айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келадиган ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ўзига хос ечимлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни самарали жорий этилиши кутилган натижаларни беради.



<i>Аллаяров Ш. Ахмедов Б.</i>	К НАУЧНОМУ ПОДХОДУ В ОПРЕДЕЛЕНИИ СУЩНОСТИ КАТЕГОРИИ «ФИНАНСОВАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ»	862
<i>Ахмедов Б.</i>	К ХАРАКТЕРИСТИКЕ МЕТОДОВ ПРИМЕНЯЕМЫХ ДЛЯ ОЦЕНКИ ФИНАНСОВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ	865
<i>Каршиев Д.Э.</i>	КОНЦЕПТУАЛЬНОЕ ОСМЫСЛЕНИЕ МЕНЯЮЩЕЙСЯ РОЛИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ЭКСПОРТНОЙ ПОЛИТИКИ В СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА	868
<i>Аҳмаджонов.А.К.</i>	ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА КОМПАНИЯЛАРИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	873
<i>Аҳмаджонов.А.К.</i>	МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ	877
<i>Валиев У. Г.</i>	ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРДА ЮЗАГА КЕЛГАН НОАНИҚЛИК ВА КЕСКИНЛИКЛАР ФОНИДА ЮРТИМИЗДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ХАТАРЛАРИНИ ЮМШАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА- ТАДБИРЛАР	880
<i>Мирзаев О.Ф.</i>	ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ АМАЛИЁТА ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛЛАРИ	882



TASHKENT INSTITUTE
OF FINANCE



DEPARTMENT OF
BANKING

**“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАНК ВА
МОЛИЯ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ”**
мавзусида тайёрланган илмий тезицлар тўплами

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент – 2022